

Мустақиллик билан тенгдош муҳандис

// 07 avgust 2026 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mustaqillik-bilan-tengdosh-muhandis>



Зухра Жаҳонгирова корхонанинг 57-цеҳида муҳандис-конструктор сифатида меҳнат қилади. У ўз фаолияти давомида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, техник ечимларни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Масъулият, аниқлик ва касбига бўлган садоқати билан жамоада алоҳида ҳурмат қозонган мутахассис мустақиллик билан тенгдош авлод вакили сифатида юртимиз саноати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мутахассисликни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмаганман. Корхонада орттирган тажрибам, устозларимнинг маслаҳати ва жамоанинг қўллаб-қувватлаши менинг энг катта бойлигим. Бугунги тараққиёт ва яратилаётган имкониятлар янада масъулият билан меҳнат қилишга ундайди. Юртимиз мустақиллиги абадий бўлсин, азиз Ватанимиз янада тараққий эцин, — дейди Зухра Жаҳонгирова.